



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz


2009 йил 15 декабрь, № 241 (4904)

Сешанба

Ўзбекистон — Туркменистон:

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг таклифига биноан 13-14 декабрь кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.



Ўзбекистон ва Туркменистон халқларини умумий тарих, муштарак маданият ва қадриятлар бириктириб боради. Ўзбек ва туркман азалидан бир-бирининг маданиятини бойитиб, савдо-сотиқ қилиб, тўй-томшаларида меҳмон бўлиб келади. Аждодларимизнинг илмий ва адабий мероси ҳам халқларимизнинг умумий мулки саналади. Ўзбекистонда Махтумқули, Туркменистонда Алишер Навоий асарлари кириб бормаган хондон йўқ, деса бўлади.

Мамлакатларимиз мустақилликка эришганидан кейин анъанавий дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари янги замон руҳида ривожлана бошлади. Ўзаро муносабатларни ривожлантиришдан Ўзбекистон ҳам, Туркменистон ҳам бирдек манфаатдор. Бу муштарак манфаатдорлик олий даражадаги ўрашувларнинг мунтазам тус олишига асос бўлди. Ўзбекистон Президенти 2007 йилда Туркменистонга, 2008 ва 2009 йилларда Туркменистон раҳбари Ўзбекистонга ташриф буюрди. Бу гал Ислам Каримов ва Гурбангули Бердимухамедов Ашхободда ўрашдилар.

Туркменистон Президентининг саройида 13 декабрь куни давлатимиз раҳбарининг расмий кутуб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортиди. Ислам Каримов ва Гурбангули Бердимухамедов шохсугага кўтарилдилар. Ўзбекистон ва Туркменистон давлат мадҳиялари янгради. Президентлар фахрий қоровул сафи олдида ўтирдилар.

Ўзбекистон ва Туркменистон раҳбарларининг яқма-яққа суҳбати бўлди. Унда мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётгани, Ўзбекистон раҳбарининг мазкур ташрифи ўзаро ишонч, ҳурмат ва манфаатдорлик асосидаги икки томонлама ҳамкорликка янги суръат бахш этиши ва уни янада юқори поғоналарга кўтаришга хизмат қилиши таъкидланди.

Президентлар мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг бугунги аҳоли ва истиқболга оид масалалар, ўзларини қизиқтирган минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашдилар. Жумладан, Ўзбекистон ва Туркменистоннинг сийсий, савдо-иқтисодий, гуманитар ҳамкорлигига, минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга доир масалалар муҳокама қилинди.

Бугунги кунда икки томонлама алоқалар 2007 йилда имзоланган Дўстона муносабатлар ва ҳар томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш тўғрисидаги давлатлараро шартнома асосида ривожланимоқда. Ўзбекистон ва Туркменистон раҳбарлари бу муносабатларни кўламини янада кенгайтириш, янги мазмун билан бойитиш учун барча имкониятлар етарли эканини қайд этдилар.

Ўзбекистон ва Туркменистоннинг тинчликпарвар ташқи сиёсати, халқаро майдонда бир-бирини қўллаб-қувватлаш, минтақавий таҳдидларнинг олдини олиш масаласида ёндашувларнинг мослиги сиёсий соҳада мамлакатларимизни ўзаро яқинлаштирадиган муҳим жиҳатлардир. Ўзбекистон ҳам, Туркменистон ҳам терроризм, диний экстремизм, халқаро уюшган жиноятчилик, қорлов ва наркотик моддалар контрабандасига қарши ҳамкорликда курашиш зарур, деган нуктаи назарни ёқлайди. Мамлакатларимиз минтақавий интеграцияни ривожлантириш Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, янада изчил тараққиётни таъминлашнинг муҳим омилли, деб ҳисоблайди.

Мулоқот чоғида Марказий Осиёда сув-энергетика захираларидан унумли фойдаланиш масаласи муҳокама қилинди. Трансчегаравий дарёлар бўйида гидротехник иншоотлар барпо этиш чоғида минтақанинг барча мамлакатлари билан маслаҳатлашиш, мустақил халқаро экспертларнинг хулосасини олиш зарурлиги таъкидланди.

Иқтисодий ҳамкорлик ҳақида сўз кетганда, аввало, Ўзбекистон ҳам, Туркменистон ҳам энергия манбаларининг йирик қонлари мавжуд эканини, нефть-газ саноати жадал ривожланиб, хорижий сармоядорлар билан шериклик алоқалари кўламини кенгайтиришнинг таъкидлаш жоиз. Мамлакатларимиз бу соҳада икки томонлама ҳамкорлик баробарида, кўп томонлама лойиҳаларда ҳам фаол иштирок этмоқда. Туркменистон — Ўзбекистон — Қозғистон — Хитой газ қувури бунинг ёрқин тасдиғидир.

Бундай лойиҳалар неғизда нафақат иқтисодий, балки сиёсий ва гуманитар манфаатлар ҳам муҳим. Қувур тортиш чоғида унинг теъдорида инфратузилма барпо этилиб, янги иш ўринлари яратилади. Янги қувурлар мамлакатларимизнинг транзит салоҳиятини оширади.

Транзит деганда, кейинги гап ўзидан транспорт соҳасига бориб тақалади. Транспорт коммуникациялари Ўзбекистон — Туркменистон иқтисодий ҳамкорлигининг яна бир муҳим бўғинидир. Айни пайтда Ўзбекистон ҳудуди орқали Туркменистонга, Туркменистон ҳудуди орқали Ўзбекистонга катта миқдорда юк ташилади. Бундан ташқари, мамлакатларимиз ўзининг давлатлар учун ҳам транзит вазифасини ўтайди.

Президентлар музокарини Ўзбекистон ва Туркменистон расмий делегациялари аъзолари иштирокида давом эттирдилар. Ўзбекистон ва Туркменистон табиғий газ қазиб олиш ва узатиш борасида дунёдаги етакчи мамлакатлардан ҳисобланади. Туркменистондан Хитойга тортилган газ қувури ҳамкорлик имкониятлари ўз вақтида ва тўғри ишга солинаётганини кўрсатади. Биргаликда сармоа жалб этиш, йирик халқаро консорциумлар тузиш орқали Ўзбекистонда ҳам, Туркменистонда ҳам нефть-газ соҳасида юқори кўшимча қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мумкин. Бу нефть-газ саноати келтирадиган даромадини бир неча хисса ошириш имконини беради. Шу билан бирга, Ўзбекистон ва Туркменистонга сийсий ва гуманитар манфаат ҳам келтиради.

Чунки бу орқали ҳамжихатлик мустаҳкамланади, янги иш ўринлари, янги инфратузилма иншоотлари барпо этилади. Таъкидланганидек, Ўзбекистон ва Туркменистон халқаро транзит юк ташиш борасида катта имкониятларга эга. Бу соҳадаги амалий ҳамкорлик туфайли йилгика мамлакатларимиз ҳудуди орқали ташиб ўтиладиган Ўзбекистон ва Туркменистонга тегишли экспорт-импорт юкларининг миқдори 2,5 миллион тоннага етади.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, эндиликда Ўзбекистоннинг «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасига Туркменистон сармояси ва ишбилармонларини жалб этиш имконияти пайдо бўлди. Мамлакатларимиз ҳамкорлигида қишлоқ хўжалиги ҳам устувор соҳалардан ҳисобланади. Ўзбекистондан Туркменистонга пахта териш машиналари, тракторлар, прицеплар, минерал ўғитлар етказиб бериш ҳамини ошириш ҳам икки томон учун фойдалидир. Гурбангули Бердимухамедовнинг 2008 йилда Ўзбекистонга ташрифи чоғида агросаноат мажмуи соҳасида

ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланган эди.

Дунёда энг сердаромад соҳалардан бирига айлиниб бораётган сайёҳлик ҳамкорлигининг яна бир устувор йўналишидир. Бу борадаги ҳамкорлик икки томонлама сайёҳлар алмашувини ривожлантиришга, халқ хунармандлиги бўюмларини тайёрловчи усталарнинг меҳнатини рағбатлантириш ва даромадини оширишга, сайёҳлар жалб қилишга, қўшма лойиҳаларни амалга оширишга хизмат қилади. Бошқача айтганда, Ўзбекистонга келган сайёҳ Туркменистонга келган сайёҳ Ўзбекистон орқали қайтиб кетишини йўлга қўйиш мумкин. Шу тарихи миллий авиакомпанияларнинг ҳамкорлигини кенгайтириш учун ҳам яхши замин ҳозирланади.

Ўзбекистон Туркменистонга хизматлар, озиқ-овқат маҳсулотлари, механик ускуналар, транспорт воситалари, шisha ва қора металл ҳамда улардан тайёрланган бўюмлар, оптик асбоблар, кимё маҳсулотларини экспорт қилади. Туркменистондан Ўзбекистонга пластмасса ва ундан тайёрланган бўюмлар, хизматлар, минерал моддалар, ноорганик кимё маҳсулотлари импорт қилинади. Албатта, икки томонлама савдодаги товарлар рўйхати бундан анча катта. Сўнгги икки йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми икки баробардан зиёд ошди.

Фойдаланилмаётган имкониятларни ишга солиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, ҳамкорлигининг янги йўналишларини очиш ва ривожлантириш Савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро қўшма комиссия яқинда йўналган. Сўнгги йилларда Президентлар ташаббуси билан ушбу комиссия мунтазам равишда мажлислар ўтказиб келмоқда. Тошкентда ва Ашхободда икки мамлакатнинг миллий қўргазмалари ташкил қилинди.

Музокарада гуманитар ҳамкорлик масалалари ҳам қўриб чиқилди. Албатта, бу йўналишдаги алоқаларни ривожлантиришда халқларимиз ўртасидаги маънавий яқинлик, анъанавий дўстлик ришталари муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон ва Туркменистоннинг маданияти ва санъат намоёндалари икки мамлакатда ташкил этиладиган фестивал, қўргазма ва форумларда мунтазам иштирок этиб келадилар. Хусусан, туркменистон-

лик санъаткорлар Самарқандда ўтадиган «Шарқ тароналари» халқаро мусика фестивалининг доимий иштирокчиларидир.

Музокарада яқинда Президентлар Ўзбекистон — Туркменистон қўшма баёноти ҳамда фуқароларнинг ўзаро қатновлари ва чегарабўйи ҳудудларда истиқомат қилувчи фуқаролар учун энгиллаштирилган тартиб тўғрисидаги ҳукуматлараро битимга ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги протоколга имзо чекдилар. Шунингдек, икки мамлакат ўртасида Савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Туркменистон қўшма комиссияси фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисидаги ҳукуматлараро битим, ташқи сиёсат маҳкамалари ўртасида 2010 — 2011 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури имзоланди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан ўрашувда Ислам Каримов ва Гурбангули Бердимухамедов музокарада очик, ўзаро ишонч ва ҳурмат руҳида, ишчан кайфиятда ўтганини, эришилган келишувлар мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантиришга хизмат қилишини таъкидладилар.

Ўзбекистон билан Туркменистон ўртасидаги муносабатлар барча соҳаларда изчил ривожланимоқда, — деди Ислам Каримов. — Сўнгги йилларда, айниқса, иқтисодий ҳамкорлик кўламини кенгаймоқда. Кейинги икки йил давомида ўзаро товар айирбошлаш ҳажми икки баробардан зиёд юксалгани бунинг ёрқин тасдиғидир.

Биз Ўзбекистон билан муносабатларни юксак кадрларимиз, мамлакатларимизнинг ҳамкорлиги ҳам миллий тараққиёт, ҳам минтақавий ва халқаро ривожланиш тамойилларига асосланади, — деди Гурбангули Бердимухамедов.

Ташрифнинг иккинчи куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Туркменистон Президентини Гурбангули Бердимухамедов, Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтао ва Қозғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбаев билан бирга тўрт мамлакат қувуридан ўтувчи халқаро газ қувуридан фойдаланишга топшириш маросимида иштирок этди.

Бир йиллик лойиҳа Ўзбекистон билан Туркменистон ўртасидаги муносабатлар кўп томонлама ҳамкорлик доирасида ҳам изчил ривожланиб бораётганини қайд этилди.

Ашхобод сафари асносида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтао билан ўрашди.

Музокарада икки томонлама муносабатлар 2005 йилда имзоланган Дўстлик, ҳамкорлик ва шериклик муносабатлари тўғрисидаги давлатлараро шартнома руҳида ривожланиб бораётганини қайд этилди.

Биз Хитой раҳбари билан ҳар бир ўрашувини ҳамда ушбу мамлакат билан ривожланиб бораётган ҳамкорлик алоқаларини юксак кадрларимиз, — деди Ислам Каримов. — Ўзбекистон Хитойни ўзининг энг яқин ва ишончли ҳамкорларидан бири, деб билади.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг жорий йил июни ойида бўлган Катеринбург саммити доирасида ўтказилган ўрашувимиз гўя самарали бўлди, — деди Ху Цзиньтао. — Ўзаро ҳамкорлик борасида мамлакатларимиз сўнгги ярим йил давомида катта ютуқларга эришди.

Ислам Каримов ва Ху Цзиньтао Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантириш, халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорлик билан боғлиқ ҳамда ўзларини қизиқтирган бошқа масалаларни юзасидан фикр алмашдилар.

Ўзбекистон Президентининг Туркменистонга расмий ташрифи мамлакатда самарали бўлиб, ўзаро ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқиши шубҳасиздир. Ислам Каримовнинг ташрифи Туркменистон оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилди.

Анасор БОБОЕВ,
ЎЗА МАХСУС МУБОБИ,
Тошкент — Ашхобод —
Туркменистон — Тошкент.
Сарвер УРМОНОВ
олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 14 декабрь куни навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлиси Комиссия раиси М. Абдусаломов бошқарди. Мажлисда оммавий ахборот воситалари, ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг сайловлари баҳолаш бўйича миссияси вакиллари иштирок этди.

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайлов тўғрисида”ги Қонуннинг 6-моддасига мувофиқ, сайловга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек, сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан биттадан кўзатувчи, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кўзатувчилар қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар.

Шу муносабат билан мажлисда бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловда қатнашувчи кўзатувчиларни рўйхатга олиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди ва тегишли қарор қабул қилинди. Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги Ижроия қўмитаси, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Ислам конференцияси ташкилотидан кўзатувчилар миссиялари, шунингдек, 36 давлатдан, жумладан, Австрия, Бельгия, Венгрия, Буюк Британия, Германия, Греция, Миср, Исроил, Ҳиндистон, Испания, Италия, Индонезия, ХХР, Кувейт, Латвия, Малайзия, Голландия, БАА, Покис-

тон, Польша, Корея Республикаси, Россия Федерацияси, Словакия, Саудия Арабистони, АҚШ, Туркия, Украина, Франция, Япония ва бошқа мамлакатлардан кўзатувчилар рўйхатга олинди. Бўлажак сайловда халқаро кўзатувчи сифатида иштирок этиш учун чет давлатлар ва халқаро ташкилотлардан 250 дан ортқ вакил рўйхатга олинди.

Мажлисда сайлов қончилигининг Олий босқача давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кўзатувчиларга сайловдаги ташвиқотини амалга ошириш учун тенг шарт-шароит яратишга оид талабларига риоя қилиш тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. Бу жараён “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонун ва Марказий сайлов комиссиясининг тегишли қарори қабул қилинди.

Мажлисда Марказий сайлов комиссиясининг ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди ва улар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

САЙЛОВЧИЛАР РҲЙХАТИ — САЙЛОВ ҲУҚУҚИНИНГ МУҲИМ КАФОЛАТИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлири сайловига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш бўйича Концепцияга мувофиқ, барча сайлов участкаларида сайловчиларнинг рўйхатларини тузиш ишлари яқинда етди. Марказий сайлов комиссияси аъзоси Комилжон ОДИЛОВ сайлов жараёнида сайловчилар рўйхатларининг аҳамияти, рўйхатни тузиш тартиби ҳусусида Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — УЗА муҳбирига қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Сайловга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказишда сайловчилар рўйхатини тузиш муҳим ўрин тутди. Сайловда овоз бериш ҳуқуқининг таъминлашиши мазкур тадбирнинг тўғри амалга оширилишига боғлиқдир. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайлов тўғрисида”ги Қонунига биноан, сайлов кунига қадар ёки сайлов куни ўн саккиз ёшга туладиган, рўйхат тузилаётган вақтда мазкур сайлов участкаси ҳудудида доимий ёки вақтинча истиқомат қилиб келаётган фуқаролар сайловчилар рўйхатига киритилади. Ҳар бир сайловчи фақат битта сайловчи рўйхатига киритилиши мумкин.

Сайловчилар рўйхати участка сайлов комиссиялари томонидан тузилади. Туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари сайловчилар ҳисобга олинишини таъминлайдилар ҳамда участка сайлов комиссияларига тегишли ҳудудда истиқомат қилувчи сайловчилар тўғрисида сайловчилар рўйхатини тузиш учун зарур маълумотларни тақдим этишга қўрилади. Рўйхатда ҳар бир сайловчининг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили, тураржой манзили кўрсатилиши лозим.

Сайловчилар рўйхатининг аҳамияти шундаки, биринчидан, рўйхатни тузиш орқали сайлов участкаси ҳудудида яшовчи сайловчиларнинг умумий сони белгиланади, иккинчидан, уларга ушбу ёрдам беришда сайловчи овоз беришга қўрилади, учинчидан, мазкур рўйхат асосида сайловчиларнинг овоз бериш натижалари аниқланади. Шунингдек, сайловчилар рўйхатини тузиш фуқароларнинг сайловда қатнашиш ҳуқуқларини рўйхатга чиқаришга қаратилгани билан ҳам аҳамиятлидир.

Ҳарбий қисмлардаги ҳарбий хизматчи-сайловчиларнинг, шунингдек, ҳарбий хизматчилар оила аъзолари ва бошқа сайловчиларнинг, агар улар ҳарбий қисмлар жой-

БИР РАҚАМ
ШАРҲИ

ЭКСПОРТЧУ КОРХОНАЛАР ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА

2009 йилнинг тўққиз ойи давомида мамлакатимизда экспортчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш ва барқарор фаолиятини таъминлаш мақсадида уларнинг айланма капиталини тўлдирши учун тижорат банкларининг ўз маблағлари ҳисобидан

160 миллиард сўмдан ортқ имтиёзли кредитлар ажратилди.

Бу, ўз навбатида, корхоналарнинг маҳсулотини экспорт қилиш билан боғлиқ вақтинчалик қийинчиликлар сабабли уларда ишлаб чиқариш қисқаришининг олдини олишга ёрдам берди.



(Давоми 3-бетда).



Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси мамлакатимиздаги бошқа сиёсий партиялар қатори Конституциявий ҳуқуқи, ўз электорати ва сайловчилари олдидagi сиёсий иродасидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайловларда фаол иштирок этмоқда.

Партия сайлов кампаниясига кирар экан, ҳар галгидек ўзининг социал-демократия тамойилларига тўла содиқлигини яна бир бор намоён этади. У ўз фаолиятида Ўзбекистонни кучли, обурли, иқтисодий таъминланган мамлакат сифатида қўришни, миллатлараро тотувлик ҳамда ижтимоий адолат ҳукм сурайдиган жамиятда яшашни ис-таган барча илм-фан ва муҳандис-тех-ник зиёлилар, малакали ишчилар, ўқитувчилар, врачлар, юқори салоҳи-ятли мутахассислар вакиллари тая-нади ва бўлғуси сайловларда улар-нинг яқдил қўллаб-қувватлашларига катта умид билдиради.

Ўз олдига кучли демократик ва иж-тимоийликка йўналтирилган давлат, эркин, адолатли ҳамда мақбуравий ҳислашган жамият қўришдек олижа-ноб мақсадлар рўйбига муносиб ҳисса қўлишни асосий вазифа қилиб қўйган партиямиз бу жараёнда, шубҳасиз, мамлакатда янги ижтимоий бозор иқтисодиётини шакллантириш тамо-йилларига таянган ҳолда иш кўрмоқда. Зеро, бу тамойиллар-нинг моҳияти давлат-тимиз раҳбари Ислам Каримов белгилаб берган машур беш омил иқтисодиётнинг сиёсатдан устуворли-гини, давлат бош ис-лохотчи эканлигини, қонун устуворлиги, кучли ижтимоий сиё-сат ва ислохотлар босқичма-босқич олиб борилиб, унинг мудом изчиллигини таъминлашдан иборатдир.

«Адолат» СДП айни шу тамойиллар ва миллий ўзига хослик асосида жаҳон социал-демократик ҳаракатининг Эр-кинлик, Адолатлилик, Бирдамликдан иборат асосий шioriларини ривожлан-тириши ҳамда қонун устуворлиги — унинг олдига фуқаролар тенглиги ва жавабгарлиги бир хил бўлишини таъ-минлаш, мамлакатимизда ижтимоий адолатли ҳуқуқий давлатни ташкил этиш соҳасида амалга оширилаётган кўп қиррали ва кенг қўламли ишлар-да фаол иштирок этишни ўзининг бош мақсадларидан бири этиб белгилган.

Мана шундай эзгу гоиларга йўрил-ган партиямиз навбатдаги жиддий иш-тиҳон — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва маҳаллий ҳокимият вакиллик орган-ларига бўлажак сайловларда ўз меҳ-нати билан Ватанимиз манфаатлари-га содиқлигини исботлаган ва профес-сионал маҳоратини намоийш эта ол-ган, партия дастурларини қўллаб-қувватловчи, халқимиз миллий манфа-атларига тўла мос келадиган социал-демократия гоиларини тарғиб қилу-вчи муносиб кишилар номзодини кўрсатади.

Шу муносабат билан партиянинг бугунги сайловолди бош вазифаси — сайловларда ҳокимиятнинг барча да-ражадаги вакиллик органларидан ма-лаккада кечаётган жуда катта қўла-ми ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисо-дий ислохотларнинг ҳаётта кенг тат-биқ қилинишига ва ўз электорати ман-фаатлари ҳамда эҳтиёжларини нуктаи назардан ижтимоий-давлат қурили-ши жараёнларида фаол иштирок эти-шига имкон берувчи даражадаги ўри-нлари эғаллашдир.

Зеро, бундай натижа сайлов яку-нларига кўра Ўзбекистон «Адолат» СДПдан шаклландирилган бўлғуси куч-ли депутатлик корпусига давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган «Давлат бошқарувини янги-лаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг роли-ни кўчатириш тўғрисида»ги Ўзбеки-стон Республикасининг Конституциявий қонуни асосида мустаҳкамланган бар-ча шарт-шароитлардан тўлиқ фойда-ланиш имконини беради.

Гап бу ерда, биринчи навбатда, ижро ҳокимияти органларининг мар-кази ва жойларда қонун устуворли-гини таъминлаш принциплари ҳамда мамлакат минтакаларида, айниқса, қишлоқ жойларда ижтимоий аҳамия-ти молик дастурлар тамойилларининг ижроси борасидаги фаолиятлари ус-тидан депутатлик назорати жорий этиш бўйича депутатлар бирлашма-ларининг Конституциявий қонунда мустаҳкамлаб қўйилган ваколатлари-дан нечоғли даражада самарали фой-даланишлари ҳақида кетмоқда.

Эътиборли жиҳати, партиямизнинг сайловолди дастури асосий йўналиш-лари аҳолининг юқорида айтиб ўтил-ган барча катламларига маъқул ва манзур тушмоқда. Бу йўналишлар: барча даражадаги ҳокимият вакиллик органларидан кўп ўринга эришиш, дав-лат ҳокимияти тузилмаларида парти-яннинг энг яқин тайёрлаган, профес-сионал вакиллари эга бўлиш, ҳоким-ият ва фуқаролик жамияти барча бўғинларининг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш, жамиятда ҳар бир фу-қаро манфаатларининг тенглигига риёя қилиш, қонун устуворлигига асосланган ижтимоий ҳамкорлик ти-зимини ривожлантириш каби вазифа-ларни қамраб олади.

Партиямиз сайловолди дастурида кучли ва адолатли суд ҳокимиятининг мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, қонун ва адолат талаблари бузилиш ҳолигага йўл қўймайлик учун қонун-лар мукамаллиги ва барқарорлигига эришишни таъминлашга алоҳида эъти-бор қаратилган. Уларни ҳаётга татбиқ этишининг янада самарали механизми-ни яратиш, адолат ва ҳаққонийлик гоисини қонунчилик фаолиятининг асосий ҳамда бош йўналишига айлан-тириш долзарб вазифа этиб белги-

ланган. Айни кезде адвокатура ва ҳуқуқни муҳофаза этиш органлари фаолиятини такомиллаштириш суд ҳокимиятини ислоҳ қилишининг муҳим таркибий қисми эканлиги ҳам дастур-да алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Партия давлат бошқарувининг бар-ча тизимларидаги ислохотларни чуқур-лаштириш йўлида бошқарувининг ош-коралик принципини ва давлат орган-лари ҳамда манфаатдор шахслар фаолияти устидан жамоатчилик назо-ратини етарли даражада таъминлаш тарафдори. Шу мақсадда у «Электрон ҳуқуқмат»ни — фуқаролар ҳамда дав-лат ҳокимияти ва бошқарув органла-ри тимсолида ахборот алмашинувини жадаллаштиришга ёрдам берадиган ахборот тизимини ишлаб чиқишни та-қдир этади.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг ўсиши — аҳоли турмуш фаровонли-ги даражаси ва сифатининг ошишида энг муҳим, таъбир жоиз бўлса, устувор аҳамиятга эга эканлиги бугун ҳамма-

лакатимиз азал-азалдан ўз маданий ва диний хусусиятларига эга қўллаб

миллатлар ёнма-ён яшаб келаётган минтақа ҳисобланади. Давлатимизнинг бош ислохотчи эканлигини муштарак ҳолда сақлаш ва ривожлан-тириш жараёнларида янада фаол ишти-рок этади. Бу йўлда одамларда инно-вация турлидаги иқтисодиётни ташкил этишда ташаббускорликни ўз қўлига олиб, энг замонавий илм-фан, техни-ка ютуқларига, иқтисодий жараённи самарали бошқариш ва инновацион фикрлашни тарбиялайдиган таълим тизимига таянади. Қолаверса, йиқир-чиқар қарши чоралар дастурида Ўзбекистонда инновацион иқтисодиётни ташкил этиш жуда муҳим вазифалар сирасига киритилган.

Шунинг учун ҳам партиямиз ўз сай-ловолди дастурида инновацион иш-ланмаларнинг тижорий инвестицион (сармовявий) жозибдорлигини оши-риш (уларни рўйхатга олиш, амалиёт-га жорий этиш, меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқиш, мавжуд тартибларни оsonлаштириш)га жиддий эътибор қаратади.

Мамлакатимиз сўнгги йилларда эришган барқарор иқтисодий ўсиш яқин келажақда кенг қўламли иж-тимоий вазифаларни ҳал этиш имкони-ни бермоқда. Зеро, «Адолат» СДП Ўзбекистонда ҳар бир фуқаронинг тур-муш фаровонлиги кўрсаткичинини гоят муҳим деб ҳисоблаб, ҳар бир киши мамлакат иқтисодий ўсиш натижа-ларини ҳис қилиши ва моҳиятини чуқур англаб етишига кўмаклашишни ўз бур-чи, деб билади. Чунки биз адолатли-лик гоисини жамиятимиздаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тизимига сингдирилиши лозимлигидан келиб чиққан ҳолда, унда икки табақа — ўта бой ва ўта камбағаллар пайдо бўли-шига қаршимиз, аҳолининг асосий қисми дунёнинг энг ривожланган мам-лакатларидаги каби ўрта табақга ман-суб ҳаёт кечиршини истаймиз.

Партиямиз сайловолди дастурида аҳолининг кенг қатламлари тиббий ёрдамдан фойдаланишини таъминлаш ва унинг сифат даражасини ошириш мақсадлари ҳам қўзғалган.

Президентимиз Ислам Каримов ҳар гал Ватанга яқин таълим олган, ин-новацион иқтисодиёт шароитида му-вафакатли меҳнат қилишга қодир, юксак маънавиятли ва жисмонан ба-қувват ёшлар кераклигини, ёшлар ютуғи — мамлакат фахри гарови экан-лигини бот-бот таъкидлаб келади. Де-мак, партия ёшларнинг дам олиши ва спорт билан шуғулланишини ҳам таъ-минлаш, улар орасида ичкиликбозлик, гиёҳвандлик сингари иллатлар илди-з отишининг олдини олиш каби чора-тадбирларни фаоллаштириш ва айниқ-са, қишлоқ жойларда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш иш-ларига муносиб ҳисса қўшишго керак, албатта.

Истиқлол йилларида жамиятда хо-тин-қизлар мақоми ва ролини си-ли-риш, уларнинг қонуний ҳуқуқ ҳамда манфаатларини таъминлаш масаласи давлатимизнинг сиёсатининг бош вазифа-ларидан этиб белгиланди. Ш нуктаи назардан, партиямиз аъзолар, хотин-қизларга дахлдор қонунчиликни яна-да такомиллаштириш, уларнинг иж-тимоий-сиёсий фаолигини ошириш, ижтимоий муҳофаза қилишни кучай-тиришга доир кенг қўламли ислохот-ларни изчил давом эттиришга ҳара-кат қилади.

Зотан, биз учун хотин-қизларнинг давлат ҳокимияти барча жаҳаларида тенг ва фаол иштирокини амалда таъ-минлаш ниҳоятда муҳим. Негаки, чу-қур билим ва малакага эга хотин-қиз-лар учун янада кенг имкониятлар яра-тиш ҳуқуқий демократик давлат ва фу-қаролик жамиятини қўришда яна бир жиддий омил бўлиб хизмат қилади.

Партиямизнинг навбатдаги устувор вазифаларидан бири — қишлоқлар ободлиги ва қишлоқ ҳўжалиги риво-жига кўмаклашиш, уларда тармок ҳа-

қуқларини нафақат етиштириш, бал-ки қайта ишлаш эҳтиёжлари муаммо-ларига ҳам ечим топишда бевосита иштирок этишдан иборат. Масалан, бугунги кунда қишлоққа, қишлоқ ҳўжа-лигига фақат кредитлар беришигина эмас, уни инновацион техник жиҳат-дан қайта жиҳозлаш ҳам жуда-жуда зарур бўлиб турибди. Қишлоқларда замонавий лойиҳаларда яқин тартиб-даги уй-жойлар қуриш, уларни мил-лий аъёналарга хос, иқлимбол ва барча қулайликларга эга ҳолда бунёд этиш мақсадида ўтказилаётган кўргаз-малар, тадбирлар ҳамда шу кунларда бугун республика бўйлаб кенг қанот ёйган барча амалий ишларни партия-миз яқдил қўллаб-қувватлайди.

«Адолат» СДП сайловолди дасту-рида экологик муаммолар ечимида ҳам жонқурлик қилишни таъкидлай-ди, бунда асосий эътибор сув ресурслари ҳимоя қилиш, улардан оқило-на ва самарали фойдаланиш бўйича қонунчиликни такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу боис партия Ўзбе-кистон Экологик ҳаракати билан на-фақат умуммиллий миқёсдаги, балки му-айян яшаш шароит-ларида атроф-муҳит ифлосланиши билан боғлиқ жойларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича ҳам яқин ҳам-корлик қилади.

Яна бир муҳим жиҳат — миллатлар ва конфес-сиолараро тотувлик, баргиреклик, ҳам-корлик масаласи ўта моҳиятлидир. Мам-лакатимиз азал-азалдан ўз маданий ва диний хусусиятларига эга қўллаб миллатлар ёнма-ён яшаб келаётган минтақа ҳисобланади. Давлатимизнинг бош ислохотчи эканлигини муштарак ҳолда сақлаш ва ривожлан-тириш жараёнларида янада фаол ишти-рок этади. Бу йўлда одамларда инно-вация турлидаги иқтисодиётни ташкил этишда ташаббускорликни ўз қўлига олиб, энг замонавий илм-фан, техни-ка ютуқларига, иқтисодий жараённи самарали бошқариш ва инновацион фикрлашни тарбиялайдиган таълим тизимига таянади. Қолаверса, йиқир-чиқар қарши чоралар дастурида Ўзбекистонда инновацион иқтисодиётни ташкил этиш жуда муҳим вазифалар сирасига киритилган.

Таъкидланган маъқул дастурий фа-олиятимизнинг барча қўламли дара-жасида кўришиб турибдики, мамлакатимизда демократик ривожланишнинг асоси, айтиш мумкинки, негизи — фуқаролик жамияти сари бошланган йўл вази-фалари, уларнинг ижроси масъулия-ти, моҳият-эътибори — ҳаммаси аниқ ва равшан. Шу ҳолусидан келиб чи-қиб, партиямиз республикамизда иж-тимоий барқарорликнинг вазифаси — уни фаол иқтисодий ва маданий ри-вожлантириш ҳокимият ва фуқаро-лик жамиятининг барча бўғинлари — жамоат бирлашмалари, сиёсий партиялар, оммавий ахборот восита-лари, фуқароларнинг ўзини ўзи бош-қариш органлари ҳамда бошқа инсти-тутлар сарғай-ҳаракатини бирлаштири-шни талаб қилади, деб ҳисоблайди. Фу-қаролик жамиятини ривожлантириш, унинг барча вакилларининг мамлака-тимиз келажаги, аҳолисининг маъна-вий ва моддий фаровонлиги учун бир-галикдаги масъулигини шаклланти-риш мақсадида у:

— асосий таркибий қисми маҳалла ҳисобланган ўзини ўзи бошқариш ти-зимини тобора тараққий топтириш;

— жамоат бирлашмаларининг иж-тимоий аҳамиятга эга ташаббуслари-ни қўллаб-қувватлаш;

— давлат ҳокимияти органлари фаолияти, қонунчилик ижросини таъ-минлаш, давлат дастурлари ва лойи-ҳаларининг амалга оширилиши ус-тидан жамоатчилик назорати тизimini ривожлантириш тарафдори бўлиб қолади.

Таъкидлаш керакки, мамлакатимизда миллий манфаатларимиз устуворли-ги жуда муҳимдир. Ҳам, «Адолат» СДП миллий манфаатларимизга жаавб бе-радиган ташки тинчликсевар сиёсат томонида бўлиб келган ва бўлиб қолаверади.

Партия гуманитар ва ижтимоий ри-вожланиш соҳасида 2000 йилда БМТ томонидан эълон қилинган Мингйил-лик ривожланиш мақсадларига эри-шиш юзасидан ижтимоий тараққий-ни жадаллаштириш имконини бера-диган халқаро лойиҳалар ва дастур-ларни амалга ошириш борасида икки томонлама ҳамда кўп томонлама ўзаро манфаатли халқаро ҳамкорликни ри-вожлантиришни муҳим вазифа, деб ҳисоблайди.

Муҳтасар айтганда, Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг сайловолди дасту-ридан кенг қамровда ўрин олган бу вазифалар, режалар, орзу ва ниятлар партиямизнинг Ватанимиз ҳудудига рўй бераётган социал-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий жараёнларга бево-сита ижобий таъсир кўрсата олади-ган мустаҳкам бирлашган сиёсий куч эканлигини ёрқин намоён этмоқда.

Унинг бош шioriлари: Инсон ман-фаатлари — энг олий қадрият! Адолат — ҳаётимизнинг бош мезони! Куч — адолатда!

Шу боис фуқароларимизни бўла-жак сайловларда «Адолат» СДПдан кўрсатилган номзодларга овоз бери-шга қақирамиз.

Худойр МАМАТОВ,
Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши раиси Уринбосари.



Ўзбекистон мустақилликка эришгач, ўтган давр ичида тараққийёт сари юз тутиб, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий-маърифий соҳаларда юксак ютуқларни қўлга киритди ҳамда халқаро миқёсда амалга ошган бўлиб қозонди. Истиқлол берган беқиёс имкониятлар туфайли халқимиз келажагини ўз қўли билан қуриб, эртанги кунга мустаҳкам ишонч билан қарамоқда.

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси жамиятда амалга оширилаётган ўзгариш ва янгиликларда фаол иштирок этишга интилаётган сиёсий кучдир. Партиямиз сайловолди платформа-сида иқтисодий-ижтимоий соҳада-ги вазифаларни ўзининг электора-ти манфаатларидан келиб чиқиб белгилаб олди.

Партия миллий бозорни ҳар томонлама ривожлантиришга кўмак-лашишни асосий устувор вазифа этиб белгилади. Ушбу соҳадаги партия сиёсатининг стратегик мақсади аҳоли турмуш даражасини реал ва жиддий оширишнинг муҳим омили сифатида иқтисодий суве-ренитетни, иқтисодий ҳавфсизлик-ни янада мустаҳкамлашдан иборат.

Ўзбекистоннинг рақобат борасидаги афзалликлари-га асосланган ҳолда, мамлакатимизнинг ҳўжалик комплексини диверсификация қилишни бундан буюн ҳам давом эт-тириш, миллий иш-лаб чиқарувчиларни рағбатлантириш асосида хориждан келтирилаётган маҳсулотларни ма-ҳаллийлаштириш ва импорт ўрнини бо-сувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни

кенгайтириш ҳамда экспорт сало-ҳиятини оширишга қаратилган сиё-сатнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳ-камлашни партия ўзининг биринчи навбатдаги вазифаси, деб билади. Мамлакатимизда шаклланган қулай инвестиция муҳитининг ҳуқуқий асосларини кучайтириш, бунда ма-ҳаллий инвесторларнинг манфаат-ларини ҳимоя қилиш муҳим масала эканлигига эътибор бериб, маҳал-лий ва хорижий инвесторларга яра-тилган иқтисодий шароитларни тенглаштиришга қаратилган исло-хотларни қўллаб-қувватлаш долзарб аҳамиятга эга.

Илм-фан соҳасининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш ва фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий қилишни кўзда тутувчи фа-олиятни янада кучайтириш ҳам партиянинг сайловолди платформа-сида алоҳида эътибор қаратилган масалалар сирасига киритил-ган. Хусусан, бу борада мамлака-тимиз аҳолисининг миллий кўник-малари ва аъёналарини ҳисобга олган ҳолда, миллий унармандчи-ликнинг барча турларини, айниқса, қишлоқларда сервис соҳаси ва та-рихий-маданий обидалар жойлаш-ган ҳудудларда туризмни ривожлан-тиришга амалий ҳисса қўиши, ка-саначиликни ривожлантириш орқа-ли аҳоли бандлигини таъминлашда бевосита иштирок этиш лозим.

Мамлакатимиз ташқи савдо ба-лансида ижобий сальдонни қўпайти-риб боришга қаратилган сиёсатнинг ҳуқуқий негизларини такомиллаш-тириш бориш, бунда экспорт ва им-портда монополияга йўл қўймайлик, маъқул соҳаларда эркин, қонуний ва адолатли рақобатни ҳимоя қилиш борасидаги сиёсатни қўллаб-қув-ватлаймиз. Бундан ташқари, истеъм-ол товарлари ва хизматларда мил-лий брендлар юзага келишига кўмаклашиш, жаҳон бозорларига Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган товарларнинг «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» брендини олиб кириш юзасидан аниқ мақсадли чоралар қўришга эътибор қаратамиз.

Дарҳақиқат, шу ўринда етук кадрларни тарбиялаш масаласига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Ташқи ва ички иқтисодий фаолият соҳасида миллий манфаатларни ҳимоя қилиш учун иқтисодиёт ва бошқарув соҳасида юқори малака-ли кадрлар тайёрлаш тизимини ри-вожлантиришга ҳар томонлама кўмаклашиш, ўсиб келаётган ёш ав-лодни баркамол қилиб тарбиялаш-га ва бу борадаги қонунлар ижроси-ни таъминлашга кўмаклашишни партия ўз олдига турган муҳим ма-сала, деб билади.

Иқтисодиётни модернизациялаш-да асосий эътиборни иқтисодиётга замонавий технологияларни жорий қилиш, инновация фаолиятини рағ-батлантириш, ишлаб чиқаришни ҳан ютуқлари ва илмий қашиёт-лардан фойдаланиш механизмлари-ни соддалантириш, фан ва икти-содиётнинг ўзаро алоқасини янада кучайтириш, айниқса, бу-гунги кундаги жаҳон молиявий-икти-содий инқирози шароитида кенч-

тириб бўлмайдиган масала сифа-тида қаралиши лозимлигини эъти-роф этамиз.

Қишлоқ жойларида янги иш ўринлари яратиш борасида қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта иш-лаш корхоналари ва миницеҳларни ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масаласи партия-нинг долзарб вазифаси экан, маъ-қул масалада маҳаллийлаштириш дастурининг ижросидан келиб чи-қиб, маҳаллий хом ашё негизда ишлайдиган ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантиришга эътиборни куч-айтиришни ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаймиз.

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси иқтисодий ри-вожланишнинг пировард натижаси

МИЛЛИЙ БОЗОРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ВА ИЖТимоий ҚАДРИЯТЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАШ — ЕТАКЧИ ВАЗИФАМИЗ

— ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини янада мустаҳкам-лаш, янги иш ўринлари яратиш, ички истеъмол ва экспорт ўсишини таъминлаш, шунингдек, тадбиркор-ликнинг аъёнавий маданиятини қайта тиклаш борасидаги ишларга кўмаклашишни ўзининг асосий мақ-сади сифатида белгилаб олиб, унинг қонуний асосларини такомил-лаштиришга алоҳида эътибор қара-тади.

Партиямиз миллий ишлаб чиқ-арувига ва бутун жамиятга жуда кат-та зарар етказяётган хорижда иш-лаб чиқарилган товарлар контра-бандасига қарши курашишга кўмак-лашишни ўзининг етакчи вазифа-си, деб билади ҳамда бу борадаги қонунчиликни янада такомиллаш-тиришга ҳаракат қилади.

ЎЗМТДП юртимиз табиатида, бой табиий ресурсларига нисбатан ас-раб-авайлаб муносабатда бўлишни, улардан ҳозирги ва келгуси авлод-лар манфаатлари йўлида оқилона фойдаланилишини таъминлашга қаратилган давлат сиёсатини қўллаб-қувватлайди ҳамда ушбу со-ҳанинг ҳуқуқий базасини янада та-комиллаштиришга ҳисса қўшади.

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясидан барча бўғинлардаги ҳокимият вакиллик органлари депутатлигига кўрсатил-ган номзодлар ўз амалий фаолият-ларида миллий бизнеснинг жаҳон стандартлари даражасидаги маҳсу-лотлар ишлаб чиқариш, янги иш ўринлари яратиш, ички истеъмол ва экспорт ўсишини таъминлаш, шу-нингдек, тадбиркорликнинг аъёнавий маданиятини қайта тиклаш бо-расидаги саъй-ҳаракатларга кўмак-лашиш ниятидалар.

Партия платформаси иқтисодий ислохотлар ўтказишнинг бош прин-ципи сифатида мамлакатимизда Президентимизнинг бевосита раҳ-барлигида ҳаётга татбиқ этиб ке-линаётган «Ислохот ислохот учун эмас — ислохот инсон учун» тамо-йиллини амалга оширишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга ўз ҳиссасини қўиш орқали халқимиз турмуш шароитининг яхшиланиб бориши йўлида хизмат қилади.

Меҳр-мурувват кўрсатиш халқи-мизнинг азалий қадриятларидан би-ридир. Шу жиҳатдан, ёшларни оила қуришга тайёрлаш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш ота-боболари-миздан қолган аъёна эканлигини таъкидлаган ҳолда, ҳаётга кириб ке-лаётган ёшларимизга ҳар томонла-ма кўмаклашиш, ҳаётда муносиб ўрин топиши учун зарур ҳуқуқий ва самарали механизмларни кучай-тиришни ижтимоий соҳадаги асосий вазифаларимиздан бири, деб би-ламыз. Бунинг учун амалдаги қонун-чиликда тегишли имтиёзлар белги-лаш билан бирга, мавжуд ҳуқуқмат ва маҳаллий дастурларда назарда тутилган вазифаларнинг бажарили-ши устидан депутатлик назоратини янада кучайтирамыз.

Оила ва никоҳ халқимиз учун му-қаддас қадрият, яъни, шахсининг шаклланишида оиланинг ўрни бе-қиёс эканлигидан келиб чиқиб, оила

институту ва қадриятларини янада мустаҳкамлаш борасида аниқ мақ-садга қаратилган сиёсат олиб бо-рамиз ҳамда «Юксак маънавиятли оила орқали тараққийёт сари» деган гоёга асосланган ижтимоий-маъна-вий лойиҳа яратамиз ва уни амал-га оширамыз.

Миллий менталитетимиз ва аср-лар мобайнида сақланиб келаётган удум ва аъёналаримиз ҳамда Абу Али ибн Сино сингари буюк алло-маларимиз илмий мероси замири-да аҳоли соғлигини мустаҳкамлаш ва соғлом насл яратиб, воёга етказ-иш масаласи мавжуд. Шунинг учун ҳам партиямиз ўшбу қадриятлари-мизни ривожлантириб, уни келажақ авлод онгига сингдиришга астой-дил ҳаракат қилади. Жамиятда тиб-

бий маданиятни ошириш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга кўмаклашамиз. Буюк бобоқалонла-римиз асарларида ўз ифодасини топ-ган, Ўзбекистон халқига тарихан хос бўлган соғлом тур-муш тарзи, аъёнал-лари, шунингдек, аҳоли соғлигини мустаҳкамлаш, иж-тимоий ҳавфли ка-салликлар профи-лактикаси ва улар-ни бартараф этиш-

га қаратилган давлат дастурлари-нинг ижросини янада фаоллашти-риш учун курашамиз.

Партиямиз экологик ҳавфсизлик-ни, айниқса, миллат соғлиги ва ге-нофондини ҳимоя қилиш, хусусан, Оролбўйида, шунингдек, экологик ва табиий фалокатлар юз бериши мумкин бўлган зоналарда яшовчи-ларнинг соғлиги ва генофондини ҳимоя қилиш мақсадида экологик ҳавфсизликни таъминлашга кўмаклашиш тарафдори сифатида ўз олдига бир қатор вазифалар қўймоқда.

Элек

БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ВОЯГА ЕТКАЗИШ ЙЎЛИДА

Президентимиз Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида ўйланган барча режаларни амалга оширадиган ва кўзланган мақсадларни рўйбга чиқарадиган қудратли бир омил борки, у ҳам бўлса, юқори малакали иш кучи ва юртимизнинг эртанги кунни, тараққиёти учун масъулятига ўз зиммасига олишга қодир бўлган етук мутахассис ёшларимиз эканлигини алоҳида таъкидлади. Мана шундан келиб чиқиб, давлатимиз раҳбари 2010 йилни мамлакатимизда "Баркамол авлод йили" деб эълон қилишни таклиф этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ташқи Сибас масалалари ҳамда Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмиталари томонидан шу йил 11 декабрь кунини Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Вилоятда сифатли ўрта махсус, касб-хўнар таълими олишни таъминлайдиган ривожланган индустриал яратилган — 48 та касб-хўнар коллежи ва 4 та академик лицей ишлаб турибди. Уларда 83 та мутахассислик бўйича 40 мингдан ортиқ ўқувчи ўқимокда, уларнинг деярли ярмини қизлар ташкил этди.

Мажлис асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 4 октябрдаги қарори билан тасдиқланган 2010 йилгача бўлган даврда ўрта махсус, касб-хўнар таълими тизими педагог ва муҳандис-педагог кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш дастурини Сирдарё вилоятида икки юзасидан қилинган ишлар ҳақида тегишли ташкилотлар ва идораларнинг ҳисоботлари тинланди.

Муҳокама яқунлари бўйича қабул қилинган қарорда халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари, улар доимий комиссияларининг бу йўналишдаги фаолиятини кучайтириш муҳимлиги алоҳида таъкидланди.

Семнарда сенаторлар, халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгашининг тегишли доимий комиссиялари раислари, ҳокимликлар, вазирлик ва идоралар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати қўмиталарининг қўшма мажлисида қайд этиб ўтилганидек, Сирдарё вилоятида Техникавий ва хўнар таълими тўғрисидаги конвенциянинг асосий қоидаларини ўзда акт этирган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури муваффақиятли амалга оширилмоқда. Вилоятда ўрта махсус, касб-хўнар таълими тизimini шакллантириш ва ривожлантиришга, академик лицейлар ва касб-хўнар коллежаларини махсус тайёрланган юқори малакали педагог кадрлар билан тўлдирishга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Қўйилган вазифани амалга ошириш мақсадида

Бугунги кунда мамлакатимиз ҳудудида жами 4290,1 минг гектар сугориладиган ер мавжуд. Бу майдонларнинг мелиоратив ҳолати доимий равишда ишчи ҳолатда бўлишини таъминлаш учун 101,04 минг километр узунликда очик, 38,2 километрик ёпиқ-ётиқ коллектор тармоқлари, 3340 та зах қочирish қудуғи ва 176 та насос станцияси, шунингдек, сизот сувлари сатҳининг меъёрини равишда ўлчав турадиган 24435 дона қузатув қудуғи ишлаб турибди.

Мелиорация:

ИСТИҚБОЛЛИ РЕЖАЛАР ИЖРОСИНИНГ САМАРАСИ

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 29 октябрдаги "Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизimini тубдан тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармониغا мувофиқ, ўтган даврда ушбу йўналишда бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Молия, Иқтисодиёт, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирликлари билан биргаликда, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларининг таклиф-дарастури билан 2008 — 2012 йиллар даврида сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича Давлат дастури ишлаб чиқилиб, бу ҳужжат Президентимизнинг 2008 йил 19 мартдаги қарори билан тасдиқланди. Мелиорация соҳасидаги ишлар капитал қурилиш соҳасидан тубдан фарқ қилиши ҳисобига олиниб, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича юмушларни ўз вақтида молиялаштиришни таъминлашнинг барқарор механизмини яратиш мақсадида "Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Сугориладиган ерларнинг

мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғаримаси даромадларини шакллантириш ва маблағларини сарфлаш тартиби тўғрисидаги низоми" ишлаб чиқилди.

Табий савол туғилади: 2009 йил мобайнида Сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғаримасини бошқариш департаменти томонидан Давлат дастурига киритилган мелиоратив объектларда қандай ишлар бажарилди? Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, бу дастурда белгиланган ишларни бажариш учун жами 130 млрд. сўм, шу жумладан, мелиоратив объектларни қуриш ва қайта қуришга 55,4 миллиард сўм, таъмирлаш-тиклаш ишларини бажаришга 47,3 млрд. сўм ва замонавий мелиоратив техникалар сотиб олиш учун 27,3 миллиард сўм маблағ ажратиш белгиланган эди. Давлат дастурига асосан тасдиқланган манзилли дастурга кўра, буортмачи сифатида Департамент томонидан жами 103 та объектда ишлар қуриш ва қайта қуриш ишлари бажарилди. Ушбу ишларни ниҳоясига етказиш учун 505 дона машина-механизм жалб этилган ҳолда,

молиялаштириш ўз вақтида амалга оширилди.

Айни чоғда 2009 йилнинг 9 ойи мобайнида коллектор-дренаж тармоқларини таъмирлаш-тиклаш ишларига олдинги йиллардагига мавжуд мелиоратив иншоотларни комплекс

Жараён

қамраб олган ҳолда, ана шу тадбирлар тизимли равишда рўйбга чиқарилди. Яъни, мелиоратив тадбирларнинг сифатини назорат қилиш ҳамда таъминлашда буортмачи ва лойиҳачи ташкилотлар, назорат органлари ҳамда эксплуатация қилувчи ташкилотлардан ташқари, мелиоратив ишларни бажариш ва қабул қилишда сувдан фойдаланувчилар уюшмалари ҳодимлари ва фермерлар ҳам фаол иштирок этдилар.

Натижада жорий йил 1 октябрь ҳолатига кўра, мелиоратив объектларни таъмирлаш-тиклаш бўйича 276 та объектда ишлар адо этилиб, амалда 10333,1 км.лик тармоқ кўлдан чиқарилди, мелиоратив

объектларда таъмирлаш-тиклаш ишларини молиялаштириш учун 34,7 млрд. сўм маблағ йўналтирилди.

Маълумки, мелиорация ишларини техника воситаларисиз бажариб бўлмайди. Шу боис тўққиз ой давомида мелиоратив техникаларини сотиб олиш учун 22,3 млрд. сўм маб-

булган сугориладиган ерлар 197,6 минг гектарга ёки 4,6 фоизга кўпайди. Шунга мос ҳолда "қонқарли ва қонқарсиз" тоифадаги майдонлар эса қамайди.

Сугориладиган ерларнинг тупроқ шўрланishi даражаси бўйича сўнгги йилликда "шўрланмаган" майдон 190,9 минг гектарга ёки 4,4 фоизга ошган бўлса, охириги икки йилда "ўртача ва кучли" шўрланган ва кучсиз шўрланган майдон 25,9 фоизга қамайиб, бу кўрсаткичлар, асосан, "шўрланмаган ва кучсиз шўрланган" майдонларнинг ортishiга сабаб бўлди. Сирдарё вилоятида 77,5 минг гектар ёки 26,5 фоизга, Хоразм вилоятида 23,1 минг гектар ёки 8,3 фоизга "кучсиз" шўрланган майдонлар улуши "ўртача ва кучли" шўрланган майдонлар ҳисобига ошишига эришилгани бунинг тасдиғидир.

Президентимизнинг 2009 йил 28 октябрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги инвестиция дастури тўғрисида"ги қарори ижроси бўйича 89 та объектда реконструкция қилиш ва қуриш, шунингдек, 226 та объектда тизимли таъмирлаш-тиклаш ишларини амалга ошириш белгиланган. Бу юмушларни белгиланган муддатларда бошлаш мақсадида бугун лойиҳа-смета ҳужжатлари жадвали ишлаб чиқилмоқда.

Бундан ташқари, 2010-2020 йиллар даврида мелиорация объектларини комплекс ривожлантириш схемаси ишлаб чиқилиб, шу давр мобайнида 13,6 минг километр узунликдаги коллектор-дренаж тизимларини реконструкция қилиш ва қуриш ишларини бажариш режалаштирилмоқда. Буларнинг бари келгусида сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш орқали қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини янада ошириш, элимиз дастуринини бугунгидан-да тўқинроқ қилишга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Оттабек СОБИРОВ,

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғаримасини бошқариш департаменти директорининг ўринбосари.

САЙЛОВЧИЛАР РҲҲАТИ — САЙЛОВ ҲУҚУҚИНИНГ МУҲИМ КАФОЛАТИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Сайловчилар рўйхатини тузиш масаласининг муҳим демократик белгиларидан бири — фуқароларнинг сайловчилар рўйхати билан танишиш имкониятининг мавжудлиғидир. Қонунга мувофиқ, сайловчиларнинг рўйхатлари сайловга ўн беш кун қолганида, Ўзбекистон Республикасининг ҳорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида, санаторийлар ва дам олиш уйларида, касалхоналар ва бошқа стационар даволаш муассасаларида, олис ва бориш қийин ерларда тузилган сайлов участкаларида эса сайловга етти кун қолганида ҳамма танишиб чиқиши учун тақдим қилинади. Участка сайлов комиссиялари рўйхат билан танишиш жойи ва вақти тўғрисида сайловчиларни хабардор этади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи участка сайлов комиссиялари ишини ташкил қилиш тартиби тўғрисида"ги Йўриқномага мувофиқ, сайловчилар рўйхати танишиш учун қўлай жойда жойлаштирилиши ло-

зим. Фуқароларга сайловчилар рўйхати танишиб чиқиш учун тақдим этилиши сайловчиларнинг ушбу рўйхатда ўзининг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили ва тураржой манзили киритилганини, шунингдек, ушбу маълумотлар тўғри киритилганини қуриш имкониятини таъминлайди.

Ҳозирги кунга келиб, сайлов участкаларида сайловчилар рўйхатлари тузилиб, ҳамма танишиб чиқиши учун тақдим этилди. "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси"га сайлов тўғрисидаги Қонуннинг 34-моддасига асосан, сайловчилар рўйхати билан танишиш чоғида фуқаро рўйхатга кирмаганлигини, рўйхатдан тушиб қолганлигини ёки рўйхатда унга оид маълумотлар нотўғри кўрсатилганини аниқласа, бу ҳақда ушбу участка сайлов комиссиясига шикоят билан мурожаат қилишга ҳақли. Участка сайлов комиссияси йигирма тўрт соат ичида бундан аризаси кўриб чиқиб, хатони тузатиши ёки аризага унинг аризаси асосли тарзда рад этилганлиги тўғрисидаги жавобни бериши лозим.

Ў.А. МУХОБИРИ
Олим ТўРАҚУЛОВ
ёзиб олди.


Озиқ-овқат, енгил саноат ва ноозиқ-овқат товарлари ишлаб чиқарувчилар, тадбиркорлар, улгуржи базалар, хунармандлар, истеъмолчилар диққатига!



Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, маҳаллий халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришни рағбатлантириш, республика ҳудудида жойлашган улгуржи ва чакана савдо корхоналари билан товар ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги узвий алоқаларни мустаҳкамлаш, хусусий тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида

Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, Беруний кўчаси, 41-уй,
«Ўзулгуржисавдоинвест» уюшмасининг
«Халқ истеъмоли товарларининг кўргазма-ярмарка савдоси республика маркази» биносидан
шу йил 22-24 декабрь кунлари

«Ёғмоёзиковқатсаноат», «Ўзгўштсаноат», «Ўзбек-чармпоёзбазо», «Ўзэлтехсаноат», «Хунарманд» уюшмалари, «Ўзвиносаноат-холдинг», «Ўздонмахсулот», «Ўзбек-кенгилсаноат», «Ўзқурилишматериаллари», «Ўзавтосаноат» компаниялари, «Ўзметкомбинат» бирлашмаси, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Республика Савдо-саноат палатаси, хусусий тадбиркорлар томонидан 2010 йилда ишлаб чиқариладиган гўшт ва сўт маҳсулотлари, қандолат ва макарон маҳсулотлари, салқин ичимликлар, консервалар, куруқ ва қайта ишланган мева-сабзавотлар, шунингдек, енгил саноат маҳсулотлари, машиный техника, қозғ буюмлар, маданий ва хўжалик молларини истеъмолчиларга етказиб бериш бўйича



Республика улгуржи-савдо ярмаркаси ўтказилади.

Ушбу ярмаркага мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарувчи ҳамда улгуржи ва чакана савдо корхоналари, ташкилотлари, хусусий тадбиркорлар таклиф этилади.

Ярмаркага марҳамат!

Ярмарка телефони: (+99871) 227-10-44.
«Ўзулгуржисавдоинвест» уюшмасининг телефонлари: (+99871) 239-48-26, 239-46-03, 239-46-97.

МАКСИМАЛЬНЫЕ СКИДКИ НА АВТОМОБИЛИ "ВОЛГА" В АВТОСАЛОНЕ



AVTODOM PLUS
ОФИЦИАЛЬНЫЙ ДИЛЕР МАРК «ГАЗ»
www.auto.uz
Наш автосалон:
г. Ташкент, проспект Бунедкор, 118.
Тел.: (998 71) 140-41-21, 140-41-22.
Наш офис:
г. Ташкент, 100015, ул. Шахрисабз, 16 а.
Тел./факс: (998 71) 256-03-62, 256-13-01.

А также в продаже имеются вахтовые автобусы марки 3307

Vinlad
Хайтиманли оёбинини қўллашчи
«Vinlad» ихтисослашган ишлаб чиқариш корхонаси
АРЗОНЛАШТИРИЛГАН НАРХЛАРДА
видеокузатув ускуналарини таклиф этади.

- Оқ-қора ТВ-камералар 50 000 сўмдан бошлаб, рангли ТВ-камералар 120 000 сўмдан бошлаб.
- Шунингдек, электр токнинг йўналишини ўзгаришга асос, квадратлар, видео ишғол қилиш платалари, DVR ва хавфсизлик тизими учун бошқа ускуналар.
- Кириш йўли назорати тизими, пластик картчакларини босмалаш мосламалари.
- Периметрларни қуриқлаш тизимлари, видеокузатув, навигация тизимлари.

Тошкент шаҳри. Бунёдкор шоҳчаси, 44-уй.
Тел.: 277-97-14, 277-97-15, 277-92-67, 277-92-71.
Тел/факс: 277-00-68.
E-mail: vinlad@vinlad.uz Website: www.vinlad.uz

Маҳсулот сертификатланган.
Хизматлар лицензияланган.

ОКНА ДВЕРИ ВИТРАЖИ

ПОД ЗАКАЗ
182-62-17,
378-78-07,
441-85-46,
235-47-43.

ООО "CHIRCHIK HEATING SYSTEMS"
ИСИТИШ СУВ ҚАЙНАТИШ
CHS
ҚОЗОНЛАРИ
ИСИТИШ ҚОЗОНХОНАЛАРИ

Табиий газ, суюқ ва қаттиқ
ёқилғи билан ишлайди

Маҳсулот сертификатланган.
Т/ф: 8 (371) 416-90-06, 8 (371) 786-50-09, 8 (37071) 9-09-08.
E-mail: chs.uz@mail.ru

"Ўзбектуризм" миллий компанияси жамоаси Жиззах вилояти сайёҳлик ва эскурция бюроси раҳбари Мурод Пардаева онаси
Хантой ПАРДАЕВанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректорати ва Бирлашган қасба уюшма Иқтисодиёт назарини кафедраси профессори Шухрат Тошматовга волидаи муҳтарамдан
НОИБА янинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

"Ўзсанотқурилишбанк" ОАББ жамоаси банкининг Учтепа филиали бошқарувчиси Ботир Маматқулович Бангивега онаси
Хурсанд ая ТОЖИЕВанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

